

Бу - Умар ибн Абдулазиз



08:00 / 04.12.2019 1813

Абул Аъюн айтади: «Байтул Мақдис ҳовлисида Холид ибн Язид ибн Муовия билан бирга эдим. Бир ёш йигит келиб, Холидга салом берди. Холид унинг саломига алик олгач, у: «Бизнинг устимизда бирор кузатувчи борми?» деди. Мен Холиддан илгари: «Ҳа, тепангизда эшитадиган ва кўрадиган Зот бор», дедим. Йигитнинг кўзлари ярақлади, қўлини Холиддан тортиб, кетиб қолди. Мен Холиддан бу йигитнинг кимлигини сўрадим. «Уни танимайсанми, бу мўминлар амирининг жияни Умар ибн Абдулазиз-ку? Агар Аллоҳ икковингизга умр берса, ҳали унинг йўлбошчи бўлганини кўрасан», деди.

Умар ибн Абдулазиз халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг жияни бўладилар

«Солиҳлар гулшани» китобидан